

## № 60 -сонли пудрат шартномаси

Жиззах шаҳар

28 январ 2022 йил

Жиззах вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи ташкилот директори вазифасини бажарувчиси **Х.Рахматов** ва Жиззахйўлқўкалам унитар корхонаси (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи корхона директори **Д.Ибрагимов** мазкур шартномани кўйидагилар ҳакида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини кабул килиб олиш ва бунинг учун ҳак тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган умумфойдаланувдаги ҳалкаро ахамиятга эга бўлган автомобиль йўларини **Кўкалаамзорлартириш ишларини** бажариш мажбуриятини олади:

#### Ҳалкаро ахамиятидаги

1.3. Пудратчи томонидан ишларни бажариш муддати кўйидаги жадвал асосида амалга оширилади:

Ишлар номи	Йўл узун-лиги (км)	I-чорак жами	Шу жумладан		
			Январ	Феврал	Март
Кўкалаамзорлаштириш ишлари		4 240 167,0	856 000,0	1 548 167,0	1 836 000,0
Шу жумладан бошқарув аппаратини саклаш		424 440,0	141 480,0	141 480,0	141 480,0
Жами ККС		553 065,261	111 652,174	201 934,826	239 478,261

1.4. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан хисоб-фактурасини имзолангандан кейин бажарилган деб хисобланади.

### 2. Шартноманинг баҳоси ва хисоблашишлар тартиби

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **4 240 167 000 (Тўрт миллиард иккى юз қирқ миллион бир юз олтминш етти минг)** сўмни ташкил киласи.

2.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш пудратчининг мазкур шартномада кўрсатилган хисоб-китоб хисоб варагига пул маблагларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

### 3. Мажбуриятларининг бажарилиши муддати

3.1. Буюртмачи 10 (Ўн) банк куни давомида хар ойда пудратчига шартномада кўрсатилган режалаштирилган ойлик иш хажмининг 40 фоизи микдорида аванс бериш йўли билан туловларини амалга оширади. Кейинчалик хисобот ойининг якунин билан шартномада назарда тутилган маблаглар доирасида ажратилган аванс тўловлари хар ойда чегириб ташланган холда амалда бажарилган ишлар ойма-ой молиялаштирилади

3.2. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради ва 31 декабр 2022 йилгача амал қиласи.

### 4. Тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

#### 4.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

4.1.1. Автомобиль йўллари кўкалаамзорлаштириш ишларини буюртмачи томонидан тасдиқланган сметаларга мувофиқ амалга ошириш.

4.1.1.1. Кўчатхона ва дарахтзорлар учун тупрокни тайёрлаш, кўчатлар етиштириш (ёки улар кийматини тўлаш) ва кўчатларни транспортда ташиш;

4.1.1.2. Автомобиль йўлларини кум ва кор кўчкиларидан химоя килиш учун ўрмон тасмаларини барпо этиш, эрозияга қарши ва манзарали дарахтларни экиш;

4.1.1.3. Дарахтларни парвариш килиш, дарахтларни кесиш-каллаклаш, қурук дарахтларни йигиштириб олиш, дарахтларни ёнгиндан химоя килиш, ўсимлик зааркундалари ва касалликларига карши курашиш;

4.1.1.4. Ургулек сепиш ва гул экиш, ажратилган минтакага ва ажратиш тасмасига ўт экиш;

4.1.1.5. Сугориш тармокларига уланган (новлар, қўприклар ва қувурлар билан) артезан кудуклар казиш.

4.1.2. Ишларнинг натижасини ўз вактида буюртмачига топшириш.

4.1.3. Агар пудратчи ишларни бажариш жараённида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаширишга олиб келадиган четга чикишга йўл кўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аникланган барча камчиликларни 3 (Уч) кун ичидаги бартараф этиш.

4.1.4. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

4.1.5. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб килинадиган маҳсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тугрисида Буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши.

#### 4.2. Пудратчи кўйидаги ҳукуқларга эга:

4.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган ҳак тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларни тухтатиш, шартномани бекор килиш ҳукуқига эга.

#### 4.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.3.1. Пудратчидан ойлик ишлар тугалланганлиги ҳакида хабарнома олгандан кейин 5 (Беш) кун ичидаги ишларнинг натижасини кўриб чикиш ва қабул килиш, ишларнинг натижасини ёмонлаширадиган шартномадан четга чикишлар ёки ишлардаги бошка камчиликлар аникланганда, булар ҳакида пудратчига дарҳол хабар бериш.

4.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул килган пайтдан мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган хисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳак тўлаш.

#### 4.4. Буюртмачи кўйидаги ҳукуқларга эга:

4.4.1. Ҳар кандай вактда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориши жараёни ва сифатини текшириш.

4.4.2. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий хисоб китобларидан аникланган камчиликлар натижасида Буюртмачига кайтариладиган маблаг ва бошка туловлар буйича мажбуриятларни уз вактида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблагни молиялашириш учун ажратилган маблаглар хисобидан чегириб қолиши ҳукуқига эга.

### **5. Тарафларнинг жавобгарлиги**

5.1. Пудратчи шартномада кўзда тутилган ҳар бир ойда бажарилиши керак бўлган ишларни бажариш муддатини бузганилиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 2 % микдорда жарима ва ҳар бир кечикирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амал килувчи фуқаролик конунчилиги меъёрларига мувофиқ кўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

### **6. Форс-мажор холатлари**

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошка табиий оғатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид карорлари ёки бошка ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиги бўлиб хисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик килиши тўғрисида бошка тарафга имкон кадар тезда хабар бериши лозим.

### **7. Низоларни хал этиш тартиби**

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон кадар музокаралар йўли билан хал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан хал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида конунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах вилояти Иктисадий судида кўриб чикишга топширадилар.

## 8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши тартиби

- 8.1. Ушбу шартномага ҳар кандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳоллардагина ҳакиқий кучга эга бўлади.
- 8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фукаролик кодекси ва конун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни коплаш билан амалга оширилиши мумкин.
- 8.3. Буюртмачи кўйидаги ҳолларда шартномани бекор килишга ҳакли:
- Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашли билан тухтатиб турилиши,
  - Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.
- 8.4. Пудратчи кўйидаги ҳолларда шартномани бекор килишга ҳакли:
- Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўкотилганда.
- 8.5. Шартномани бекор килишга карор килган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 9. Якуний коидалар

- 9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар факат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг ҳакиқий хисобланади.
- 9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

## 10. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

### «Пудратчи»

Жиззахийўлқўкалам УК  
(иш бажарувчи номи)

Манзил: Жиззах вилояти Жиззах шаҳри  
Пахтакор 10 уй  
Тел./факс +99 893 309 20 64  
Х/Р: 22626000700844005001  
Банк номи: ТИФ Миллий банк Жиззах  
бўлими

МФО 00121 ИНН 305305747  
ОКОНХ 81300



Рахбар

Д.Ибрагимов

### «БУЮРТМАЧИ»

Жиззах вилояти АЙББ

Манзил: Жиззах вилояти Жиззах шаҳри  
Пахтакор 10 уй  
Тел./факс: 222-37-82

ш/х\* 304510860084017045181118001  
ИНН: 201988537  
ОКОНХ: 97400

Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
Газначилиги  
ЯФХ:23402000300100001010  
Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош  
бошкармаси хисоб китоб касса маркази  
МФО: 00014  
Жиззах вилоят фазаначилик бўлинмаси  
ИНН: 201122919



Рахбар

М.Н.

Хукукшунов

Х.Рахматов

Х.Турғунов